МУҲОЖИРЛИКДАГИ ЭРОНЛИК ЁЗУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

С.СОТИБОЛДИЕВА

Мақола муҳожирликда яшаган эрон ёзувчиларидан Шаҳрнуш Порсипур, Хушанг Гулширий, Аббос Маъруфий, Маҳмуд Каёнушлар ижодига доир масалалар ўрганилган. Мазкур адиблар яратган асарларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари таҳлили асосида муҳожирлик адабиётининг умумфорсий адабиётдаги ўрни масаласи ёритилган.

В статье исследуется творчество иранских писателей-эмигрантов Шахрнуш Порсипур, Хушанг Гулширий, Аббос Маъруфий, Махмуд Каёнуша. На основе анализа идейно-художественных особенностей произведений данных писаталей подчёркнуто их место в современной персидской литературе.

This article studies the peculiarities of a literature in exile. It discusses the works created by the Iranian writers who lived and created abroad, outside Iran such as Shahrnoosh Porsipur, Hushang Gulshiriy, Abbos Ma'rufiy, Mahmood Kayonush, etc. On the basis of analysis of ideal and literary peculiarities of these writers the author tries to define the place of literature abroad in the system of all-Persian literature.

Адабиёт тақдири юрт ва миллат тақдири билан узвий боғлиқ. Миллат руҳи бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан аввало адабиётда акс этмоғи лозим. Миллатнинг қалб дардларига ҳам дастлаб адабиёт малҳам топади. Чунки халқнинг яшаш завқи сусайса – ғайрати сусаяди. Маънавий руҳий ғайрат пасайса – фикр ва ташаббус тўхтайди [3.242].

Миллий адабиёт тараққиётида муҳожирликда яшаётган ёзувчилар ижоди ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Овидий, Данте, Леонардо да Винчи, Байрон, Шопен, Мицкевич, Уайльд, Рахманинов, Шаляпин сингари қатор маданият арболари, буюк мутафаккирлар, нодир истеъдод соҳиблари муҳожирликда яшашга мажбур бўлганининг гувоҳи бўламиз. XX асрга келиб эса жаҳон адабиёти тараққиётида эмиграция билан боғлиқ масала юқори поғонага кўтарилди. Т.Манн, С.Цвейг, А.Зегерс, Б.Брехт (немис муҳожирлари), А.Бунин, А.Куприн, К.Бальмонт, Д.Мережковский (рус муҳожирлари) сингари йирик ёзувчилар тарихий вазият ва турли сабабларга кўра муҳожирликда ижод этдилар ва жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Муҳожирлик қисмати турли тарихий вазиятлар туфайли юзага келиши барчага маълум. Тадқиқотчи олим Д.С.Китаинов "Иран и Запад" номли мақоласида мамлакатдаги сиёсий вазият туфайли эронликлар бир неча бор муҳожирлик қисматига маҳкум бўлганлигини таъкидлагани ҳолда буни қуйидагича изоҳлайди:

1. XX аср бошларида Машрутият инқилоби йилларида Эрон зиёлилари ва, аксарият ҳолда, адиблар Франция ва Германияга чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

2. XX асрнинг 20-30 йилларида Ризошоҳнинг полиция режими ва бошқа бир қатор сиёсий сабаблар туфайли эронликлар яна муҳожирликка маҳкум этилдилар.

3. Муҳаммад Ризо Паҳлавий (Ризошоҳнинг ўғли) олиб борган сиёсат туфайли эронликлар учинчи бор муҳожирликка гирифтор этилдилар. Бу муҳожирлар икки хил характерда эдилар: 1) шоҳ тузумидан норози бўлган инсонлар қатағондан қочиб, бошқа давлатларга кетишга мажбур бўлганлар; 2) шоҳнинг Америкадаги сиёсатини қўллаб-қувватлаш мақсадида нефть ва қурол-яроғ олди-бердиси билан шуғулланиш мақсадида мамлакатдан ташқарида яшаган муҳожирлар.

4. 1979 йилги Ислом инқилобидан кейин муҳожирликка мажбур бўлганлар[1.24].

Биз кўпроқ муҳожирликнинг тўртинчи босқичига мансуб ва ижоди билан маълум маънода таниш бўлган ёзувчилар ижодига тўхталиб ўтамиз.

XX аср сўнгги чорагида Эрон халқи икки маротаба жаҳон жамоатчилиги диққат марказида бўлди. Биринчиси, мамлакатда шоҳлик режимининг тугатилишига сабаб бўлган Ислом инқилоби (1978) бўлса, иккинчиси саккиз йил давом этган Эрон-Ироқ уруши (1980-1988)дир. Бу тарихий воқеалар халқнинг турмуш тарзи, маданияти, иқтисоди ва ижтимоий ҳаётида жуда катта из қолдирди.

1979 йилги Инқилобни кўплаб ижод аҳли зўр умид билан кутиб олди; адабиёт гўё сокин бир оқимга тушгандек ривожланишда давом этди. Лекин бу ҳолат узоққа чўзилмади. Инқилобдан катта ижобий ўзгаришлар кутган бир қисм ижодкорларнинг хафсаласи пир бўлди. 1981 йилги Маҳди Бўзўргон бошчилигидаги ҳукумат таназуллидан сўнг ижод эркинлигига йўл очилишини кутган ёзувчилар ҳеч қанча вақт ўтмай яна қаттиқ таъқиб, цензура гирдобида қолишди. Бу йилларда ёзилган роман ва ҳикоялар кўпроқ енгил детектив, аччиқ юмор йўналишда бўлиб, уларда турмадаги ҳаёт, қийноқлар, ижтимоий ҳаётдаги ноҳақликлар акс этган. Бу ҳолат таржима адабиётида ҳам намоён бўлди. Шунингдек, адабиёт ўзанига қудратли куч сифатида ўзларининг муаммо ва турли хил ғоявий қарашлари билан аёл ёзувчилар кириб келдилар.

Инқилобдан кейинги давр эрон адабиёти географик жиҳатдан икки минтақада ривожланди. Биринчиси, уруш йиллари мамлакатнинг ўзида яшаб ижод этганлар, иккинчиси муҳожирликда яшашга мажбур бўлган адиблар томонидан. Иккала қатлам ёзувчилари орасида ислом инқилобига қадар танилиб улгурган (И.Фасиҳ, М.Давлатободий, Ҳ.Гулширий, Ж.Мирсодиқий, М.Киёнуш) ҳамда адабиётга эндигина кириб келган адиблар (М.Равонипур, М.Махмалбоф) бор эди. Шаҳрнуш Порсипур, Хушанг Гулширий, Аббос Маъруфий, Маҳмуд Каёнуш сингари ёзувчилар ўз юртидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

Ўз ижодини бевосита эронлик аёллар қисмати, уларнинг ўй-хаёллари, истироблари мавзусига бағишлаган муҳожир адибалардан бири ***Шаҳрнуш Порсипур****дир. Унинг ижодида аёл образининг тадрижий такомили яққол кўзга ташланади. Адибанинг инқилобга қадар яратилган асарларида бош қаҳрамон одамови, атрофдагилардан доимо ҳадиксирайдиган, бу дунёда ўзини бегонадек ҳис қилиб, ўз ҳаётидан қониқмай яшайдиган ва ҳолатдан чиқиб кетиш йўлларини излаган аёл бўлса («Ит ва узоқ қиш»,1976), яқин йилларда яратилган асарларида ўзи яшаётган жамият ва унинг аёл қисматига таъсир этувчи қонун-қоидаларига қарши исён кўтарган аёл (“Заноне бедуне мардон” (“Аёлларсиз эркаклар”), 1989) сиймоси яратилди.

“Аёлларсиз эркаклар” романининг бош ғояси ҳар қандай разиллик, шаҳвоний ҳирсдан холи бўлган соф муҳаббатни тараннум этишдир. Шу билан бирга, бу аёллар қисматида 1953 йили Эронда содир бўлган сиёсий воқеалар нечоғлик ўз қора муҳрини қолдирганлиги кўрсатиб берилади. Мазкур роман инглиз, француз немис тилларига ўгирилган ва у асосида дунёга машҳур рассом ва кинорежиссёр Ширин Нешот “1953 йил ёзи” номли кинофильм (2008 йил) яратди. Гарчи романда воқелик ҳақиқатдан “юқори”, сюрреалистик баён этилган бўлса-да, унинг таг замирида Эронда аёлларга нисбатан бўлган муносабат, аёллар билан боғлиқ жиддий ахлоқий муаммолар, аксарият ҳолларда аёллар ҳуқуқининг камситилиши, ор ва номус каби масалалар ётади.

Шаҳрнуш ватанидан йироқда ижод этаётган бўлса-да, унинг романлари услубида кўр-кўрона ғарб адабиётига тақлид қилиш йўқ. Кўпчилик танқидчилар эътироф этганидек, унинг ўз овози, ҳеч кимга ўхшамаган услуби мавжуд. Шунингдек, унинг асарларида Эрон адабий анъаналарига хос фалсафий-дидактик нақллар, муқаддас диний китоблардан иқтибослар, шеърлар, афоризмларга кўплаб мурожаат этилади.

Машҳур романнавислардан яна бири ҳозирда Германияда истиқомат қилаётган ***Аббос Маъруфий**** авангард йўналишда ижод этаётган замонавий эрон романнавислари сирасига киради. Адабиёт оламига у ўзининг “Пиш руйи офтоб” (“Қуёш билан юзма-юз”, 1980) , “Охирин насле бартар” (“Сўнгги энг яхши авлод”, 1987), “Атре йос”, (“Сирень атри”, 1992) каби ҳикоялар тўплами, “Соле балво” (“Исён йили”) ва “Самфунийи мўрдегон” (“Ўликлар симфонияси”, 1989) романлари ва бир қанча пьесалари билан танилди. Унинг “Ўликлар симфонияси” романи Эрон адабиётида янги ҳодиса сифатида баҳоланган. “Ўликлар симфонияси” романи Қуръони Каримдаги Ҳобил ва Қобил ҳақидаги қисса (Қуръони Карим. Моида сураси, 27-оят) билан бошланади ва ўқувчини биродаркушлик ҳақидаги ҳикояга “тайёрлайди”. Асар сюжетидаги асосий конфликт ака-ука Урҳон ва Ойдин муносабатлари орқали намоён бўлади. Фожеавийлик нафақат қаҳрамонларнинг тақдирида, балки жамият ва унинг кичик бўлаги ҳисобланган оиладаги муносабатларда, илмсизлик туфайли жаҳолатга юз тутган ОТА (Жобир Урҳон) ва унинг фарзандлари ва аёлига бўлган муносабатда ҳам кўринади.

Маъруфий ўзи ўзи яшаган даврнинг муаммолари, оғриқли нуқталаридан келиб чиқиб фикр юритди, “биродаркушлик” сингари ноинсоний иллатнинг, оталар ва фарзандлар муносабатидаги азалий муаммоларнинг “янгича” манзарасини чизиб бера олди. “Ўликлар симфонияси” романида Аббос Маъруфий томонидан қўлланган архе-

* Шаҳрнуш Порсипур – 1946 йил Эронда туғилган. Айни вақтда АҚШда истиқомат қилади.

* Аббос Маъруфий – 1957 йил 17 майда Теҳронда таваллуд топган, ёзувчи ва журналист. 1990-1995 йиллар “Гардун” журналини бошқарган. عبا س معروفی، سمفونی مردگان، تهران، ا نتشا را ت ققنوس ۵۸۳۱،

тип-мотив (яъни Қобил ва Ҳобил қиссаси) асар ғоясини аниқлашда, композицион яхлитиликни таъминлаш, асар пафосини белгилаш, конфликт ва драматизмни кучайтириш, ёзувчи ижодий йўналишини белгилашда катта роль ўйнаган. Буларнинг барчаси биргаликда ёзувчининг жаҳолат, зулмга мойиллик инсонларга хос кўҳна иллатлар эканлигини ва қайси даврда бўлмасин, уларнинг салбий оқибатлари инсонларни қандай фожеаларга олиб келиши бадиий манзаралар орқали ифодалаган.

Авангард йўналишдаги ёзувчи сифатида эътироф этиладиган муҳожирликда яшаган адиб ***Ҳушанг Гулширий*** (1943-2002) романлари ўзига хос услуби билан алоҳида аҳамият касб этади. Адибнинг «Барэйе гўмшўдэйе Раи» («Раининг йўқолган қўзичоғи», 1990) асари уч жилдли романнинг биринчи жилди бўлиб, қолган жилдлари чоп этилмади. Роман нашрдан чиқиши биланоқ катта шуҳрат қозонди, бироқ ёзувчининг ватанида қайта нашрга рухсат этилмади. 1990 йили Стокгольмда ушбу роман қайта нашр этилди. Романда маълум инсон (Раи)нинг ҳаётидаги аниқ бир воқеа ҳикоя қилинади. Бироқ эътибор берилса, асарда чўпон, йўлбошловчи, воиз образлари орқали бу мураккаб дунёда инсоннинг ўз ҳаёти мазмунини топишига, уни адашган йўлидан қайтаришга ёрдам беришга уриниш оҳанглари сезилади.

Гулширий инсон маънавиятидаги фожеали йўқотишлар ҳақида ёзади. Роман тўртта катта бўлимдан иборат бўлиб, бу қисмларда Раи исмли ўқитувчининг шахс сифатида ўзгариш жараёни тасвирланади. Асарда инсоннинг нега омадсиз эканлиги сабабларини аниқлашга уриниши, ўз-ўзини англашга интилиши ва бу жараёндаги ички изтироблари, ўй-мушоҳадалари тасвирланади. Раи хатти-ҳаракатларининг психологик таҳлили жуда ишонарли амалга оширилган, ўқувчи романнинг ҳар бир янги бобида инсон қалбининг янги бир қиррасини кашф этади. Ҳар бир бўлимда ёрқин, тугалланган образ яратилган. Романнинг биринчи бўлимида тасвирланган воқеалар Раининг ҳаётида бўлиб ўтади. Раининг фикрлари, умидлари, қўрқувлари, ҳис-туйғулари, хотиралари унинг бедор тунда туйқусдан келган хаёлларида қоришиб кетади ва асарда бу жараён қаҳрамоннинг онг оқими шаклида берилади. Шу тариқа Гулширий Раининг мушоҳадалари орқали ошиқларнинг хаёлини ўғирловчи қора зулфли, оҳу кўз, сочлари этагига тушган, аксарият ҳолларда ошиқларнинг фақат тушларида намоён бўладиган сирли хилқатдан сочларининг рангини ўзгартириб, елкасигача қисқартирган “реал” инсон (аёл) га ўтиш жараёнини кўрсатиб беради. Раи ва унинг хотинига бўлган муносабати Эронга ғарбнинг таъсирига қарши бўлган ёзувчилар фикрининг рамзий ифодаси сифатида намоён бўлади. Асарнинг «Раининг йўқолган қўзичоғи» деб номланиши ҳам бежиз эмас. «Йўқолган қўзичоқ» – қаҳрамоннинг (яъни Раининг) йўқотилган қалби. Романдаги мураккаб ассоциативлик Кафканинг машҳур «Қалъа» романи билан ҳамоҳанг.

Ўз асарларида реализм тамойилларини барқарор этган ёзувчилардан бири ***Маҳмуд Киёнуш*** (1934) Эроннинг Машҳад шаҳрида туғилган. Адабий фаолиятини 1958 йилларнинг бошида «Садаф» журналида ўз асарларини чоп этишдан бошлаган. 1964 йилда «Марде герефтор» («Банд одам») номли мифологик характерга эга бўлган илк повестини ёзади.

«Ғўссеи ва қэссэи» («Ғам-андуҳ ва қисса», 1965) тўпламига киритилган асарлари адибнинг болалик хотиралари асосида ёзилган. Шундан сўнг дунё юзини кўрган бир қатор тўпламлари, хусусан, «Дар инжо ҳич кас набуд» («Бу ерда ҳеч ким йўқ эди», 1966), «Оинэҳойе сийоҳ» («Қора ойналар», 1970) тўпламларининг асосий мавзуси деҳқонлар қисматидир. Булардан ташқари Маҳмуд Киёнушнинг «Аз пэллээйе чеҳелом» («Қирқинчи пиллапоядан, 1977»), «Бало омад ў шафо омад» («Бахтсизлик келди ва шифо келди»), «Сўз ва сукут» (1978) ҳикоялар тўпламлари нашр этилди.

Маҳмуд Киёнуш адабиётшунослик соҳасида ёзилган илмий асарлар муаллифи ҳамдир. Унинг «Замонавий форс шеърияти ва насрига шарҳ» (1972), «Ўтмиш кишилари ва адабий танқид» (1975), «Шеърият, комиллик ва гўзаллик» (1990), «Кайковусдан Кайхусравгача» (1993) илм аҳли орасида маълум ва машҳурдир. Уларда Эрон шеърияти ва насрининг энг долзарб муаммолари, адабиёт назариясига оид олимнинг қарашлари ўз ифодасини топган. Инқилобдан сўнг Киёнуш Лондонда муҳожирликда яшамоқда. 1990 йилда адибнинг катта шуҳрат қозонган «Ғаввос ва балиқ» романи дунёга келди. Романда бош қаҳрамонининг болаликдаги дўстини излаш тарихи баён этилади. Биринчи саҳифаларданоқ асар воқеалари сирли, детектив руҳда ёзилгани сезилади. Сюжет асосида қандайдир жумбоқ бордек туюлаверади. Бой-бадавлат хонадонда тарбия топган ва хорижда ҳеч қандай қийинчиликсиз яшаётган йигитнинг (яъни, бош қаҳрамоннинг) орадан йиллар ўтиб тўсатдан ўз туғилган юртига кетишни ихтиёр этиши ўқувчини ўйлантиради. Асар сюжети якунидан жумбоқнинг ечилиши кутилади. Бироқ муаллиф бундай йўл тутмайди. У охирги хулосани ўқувчи эътиборига ҳавола

этади. Романда икки персонаж: излаётган ва изланаётганнинг хатти-ҳаракатлари қиёсланади. Адиб барча замонлар учун ўз долзарб аҳамият касб этадиган: турли сабабларга кўра ватанидан йироқда яшашга мажбур бўлган муҳожирлар қисмати мавзусини қаламга олади.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом Инқилобидан кейинги Эрон адабиёти географик жиҳатдан икки минтақа (Эрон ва хориж)да ривожланган бўлиб, уларда муштараклик (тил, анъаналар) бўлиши билан бирга, баъзи услубий фарқлар мавжуд. Муҳожир ёзувчилар Эрондаги ижтимоий-сиёсий тузум, инсон ҳақ-ҳуқуқлари каби масалаларга очиқ-ойдин муносабатларини билдирдилар. Уларнинг асарларида ҳам юрт қайғуси, унинг тақдирига куйиниш, эрк, ноҳақлик, ватан соғинчи, ўзликни англашга интилиш каби жиддий мавзулар кўтарилган.

Муҳожир ёзувчилар ижодида ҳам роман жанрига қизиқиш ниҳоятда кучайгани, роман адабий жараён ҳамда танқидчилик объекти сифатида асосий мавқени эгаллаган жанрлардан бирига айлангани кузатилади. Муҳожир ёзувчиларнинг аксарияти форс-инглиз (Ш.Порсипур), форс-француз (А.Маъруфий), форс-немис (Ҳ.Гулширий) тилларида ижод қилмоқдалар. Муҳожир романнавислар ижодида анъанавий реализм билан бир қаторда, магик реализм, модернизм ва постмодернизм тамойилларининг тобора барқарор ўрин топаётгани кузатилади. Муҳожир романнавислар асарларининг инглиз, француз, немис ва рус тилларига ўгирилаётгани адабий алоқалар ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Албатта, мақола доирасида эрон муҳожир адабиётининг кичик бир қирраси кўтарилди, холос. Бу мавзу чуқур махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Китаинов Д.С. Иран и Запад: История и современный диалог // Восток-Запад: притяжения, отталкивание. – М, 1998

2. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Т, 2007

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
2013 йил 10 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. С.Қурбонов)